

Жаннат ва дўзах | Ақийда дарслари (242-дарс)



19:00 / 28.08.2023 2138

Жаннат ва дўзах инсон етиб борадиган охирги манзиллардир. Инсон улардан бирига етганидан кейин унда абадий қолади. Аҳли сунна ва жамоа мазҳаби эътиқодича, бу икки нарса моддий бўлиб, улардаги нарсалар ҳам руҳга ва ҳам жисмга оиддир. Улардаги неъматлар ва азоблар ҳам жисмга, ҳам руҳга берилади. Жаннат ва дўзах абадий турадиган нарсалардир. Уларга тушган кишиларнинг қолиши ҳам абадий бўлади. Фақат баъзи осий мўминлар ўз қилмишларига яраша жазони ўтаганларидан кейин дўзахдан жаннатга чиқариладилар.

«Ақийдатут Таҳовийя»да бу ҳақда шундай дейилган:

«Жаннат ва дўзах - иккилари халқ қилингандирлар. Улар абадийдир, йўқ бўлмаслар. Бас, Аллоҳ жаннат ва дўзахни халойиқдан олдин халқ қилгандир».

Аввал жаннат билан танишиб олайлик.

Жаннат

Жаннатнинг махлуқлигига Қуръондан далиллар:

لِلْمُتَّقِينَ أُعِدَّتْ ﴿١٣٣﴾

«(У жаннат) тақводорлар учун тайёрлангандир» (Оли Имрон сураси, 133-оят).

وَرُسُلِهِ ۖ بِاللَّهِ ءَامَنُوا لِلَّذِينَ أُعِدَّتْ

«(У жаннат) Аллоҳга ва Унинг пайғамбарларига иймон келтирганлар учун тайёрлангандир» (Ҳадид сураси, 21-оят).

بَعِيدٍ غَيْرَ الْمُنْفِقِينَ الْجَنَّةُ وَأُزْلِفَتْ ﴿٣١﴾

«Ва жаннат тақводорларга узоқ бўлмаган жойга яқинлаштирилди» (Қоф сураси 31-оят).

جَنَّةٌ عِنْدَهَا ۱۴ الْمُنْتَهَى سِدْرَةَ عِنْدَ ۱۳ أُخْرَى نَزَلَتْ رِءَاةٌ وَلَقَدْ

۱۵ الْمَأْوَى

«Ва дарҳақиқат, уни бошқа сафар кўрди. Сидратул мунтаҳа (Ниҳоя дарахти) олдида. Унинг ҳузурида маъво жаннати бор» (Нажм сураси, 13-15-оятлар).

Жаннатнинг халқ қилиб бўлинганига Суннатдан далиллар:

«Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сўнгра Жаброил мен билан юриб бориб, Сидратул мунтаҳага етди. Бас, уни мен билмаган ранглар ўраб олди. Сўнгра жаннатга кирдим, қарасам, унинг остонаси луълудан, тупроғи эса мискдан экан», деганлар».

Бухорий ва Муслим Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Сиздан биронтангиз ўлган пайтида унга эртаю кеч жойи кўрсатилади. Агар аҳли жаннатдан бўлса, жаннатдан, аҳли дўзахдан бўлса, дўзахдан. Сўнгра: «Аллоҳ қиёмат куни сени қайта тирилтиргунча жойинг шу», дейилади», деганлар».

Бухорий ва Муслим Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Баро ибн Озибнинг ҳадисларида жумладан: «Бас, осмондан бир нидо қилувчи «Бандам рост айтди. Унга жаннатдан жой тўшаб беринглар. Унга жаннатдан эшик очиб беринглар!» деб нидо қилади. Ўшанда унга жаннатнинг хушбўй ҳидларидан келади», деганлар.

Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилганлар.

Шунингдек, жаннатнинг неъматлари ҳам жасад ва ҳам руҳ учун аталгандир. Баъзи бир тоифалар айтганидек, фақат руҳ учунгина эмас. Бу ҳақиқатни англаш учун Қуръони Каримдаги жаннатни васф қилувчи оятлардан бир-иккитасини ўқишнинг ўзи кифоя қилади.

«Сунний ақийдалар» китоби асосида тайёрланди

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2022 йил 22 июлдаги 03-07/5979-рақамли хулосаси асосида чоп этилган.